



ТИЛ БОР ЭКАН, МИЛЛАТ БАРХАЁТ

Бахромова Нигора Хамрабоевна

*Сурхондарё вилояти Денов тумани 31-мактаб
ЎИБДЎ (она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси)*

Аннатация: Мазкур мақолада тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикрлар юритилган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг давлат тили барча соҳаларда фаол ишлатила бошланди, жиiddий ва салмоқли ишлар давлат тилида амалга оширилмоқда. Аввало, қонунлар ўзбек тилида яратиладиган, идоравий ҳужжатлар она тилимизда юритиладаган бўлди. Бу албатта, миллий тилимизга нисбатан хурмат, миллатимиз руҳини янада баланд мақомларга қўтаришдир. Ўзбек тили дунёдаги қадимија ва бой тиллардан биридир. Унинг соғлиги, пурмаънолиги, таъсирчанлиги, гўзаллиги, бойлигига чиройли сўзлашув орқали ўз хиссамизни қўшишимиз зарур. Ҳолбуки, ҳалқимизнинг ўз тилига, элига бўлган чексиз муhabbatи, ижодкорлик қудрати тил масалаларига миллий нуқтаи назари билан ёндошишида намоён бўлади.

Калит сўзлар: Она тили, замонавий ўқитувчи, миллат, ҳалқ, урф-одат, устивор вазифа, тилшунос олим.


Ключевые слова: Родной язык, современный учитель, нация, народ, традиция, приоритет, ученый-лингвист.

Key words: Mother tongue, modern teacher, nation, people, tradition, priority, linguist scholar.

Ҳар йили юртимизда 21 октябр Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун, она тилимизнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаган Қонун қабул қилинган сана сифатида тантана қилинади. Чунки 1989 йил 21 октябрда Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилди. Муҳтарам биринчи Президентимиз томонидан тайёрланган ва қабул қилинган мазкур Қонун ўзбек тилига Давлат тили мақоми бериш билан бирга Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги сари дадил қўйилган илк қадамлардан бири бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Ўзбек тили ер юзидағи энг бой ва қадимија ёзма анъаналарга эга тиллардан биридир. Бу тил ҳалқнинг ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган бебаҳо бойлиги, ўзининг муҳташам мулкидир.

Муҳтарам биринчи юртбошимиз таъбири билан айтганда: “Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди. Тилни миллатдан, миллатни тилдан ажратиб бўлмайди”. Шунинг учун ҳалқимизда: “Тилинг бирла дилингни бир тут”, “Тилга эътибор-элга эътибор”, “Тил миллатнинг руҳи” тарзидаги иборалар мавжуд.





Тил ва миллат, халқнинг диалектик бирлиги жуда ҳам яхлитдир. Тил, айниқса она тили таълимига бу бирликнинг мунтазам идроки тарбиясининг заруриятини тушунтириш қуёшнинг борлиқдаги аҳамияти ҳақида гапиришгандай ортиқча ишдир. Она тили таълимида буни ўқитувчи бир он унутмаслиги шарт.


Бугун она тили таълими бўладими, хорижий тилларни ўрганиш бўладими, ўқувчиларнинг инсоний компетентлигини ўстириш ўқитувчи олдидаги устивор вазифа сифатида баҳоланмоқда. Она тили таълимининг пираворд мақсади ўқувчини тилдан синоатли оламга олиб кириш. Ўқитувчи нутқ маданиятининг барча қонун қоидаларидан мукаммал хабардор бўлибгина қолмай, уларга ўз нутқи или тўла амал қилмоғи лозим.

Ўзбек тили қадим тарихга ва ўзининг бетакрор анъаналарига эга бўлган нуфузли тиллардан биридир. Ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг сони ер юзида 45 миллиондан ортиқ кишини ташкил этади. Ундан 35 миллиондан ортиғи Ўзбекистонда истиқомат қиласи. Н.Маҳмудов айтганлариdek: “Тилимизнинг соғлиги ҳақида қайғуриш-шу миллатга мансублиқдан, шу муқаддас тимсолга дахлдорлиқдан ифтихор қиласиган ҳар бир кишининг бурчидир”. Нафақат мутахассис, балки касб-у коридан қатъий назар юртнинг ҳар бир фидойи фарзанди тилга эътиборни ёддан чиқармаслиги зарур. (Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмаган мутахассисни, аваламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин. И.Каримов)

Ўзбек адабий тилининг асослари беназир ва буюк мутафаккир Алишер Навоий томонидан қўйилган. А.Навоий она тили хазиналарини очиб кўргач, уни шундай таърифлайди: “Тилимиз ўн саккиз минг оламдан бойроқ бўлган шундай бир хазинаки, ҳар бир дур-у гавҳари(сўзлари) осмон ёритгичларидан ҳам порлоқроқ, шундай бир гулзорки, ҳар бир гули чаман лолалардан гўзалроқ”.

Тарихимизда гўзал нутқ, она тилининг қудрати каби масалалар ҳамиша алломаларимиз дикқат марказида бўлиб келган. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Ашурали Зоҳирий каби қатор маърифат дарҳалари тилимиз муҳофазаси, тилнинг соғлиги ва нутқ одоби ҳақидаги жиддий фикрларни баён қилганлар.

Тил илми хоҳ амалий, хоҳ назарий йўналишда бўлсин, тилшунослик ёки тилшунослар учунгина эмас, она тили таълими бу фаолиятни тараққий эттириш, унга аниқликлар киритиш, камчиликларни бартараф этиш лозим. Кўча-кўйда, маҳалла номларини аташда, дорихона, дўкон, ўқув марказларининг номларини аташда, дарсликларда, газета журналларда турли хилдаги услубий, имловий хатоларга кўзимиз тушади. Оддий “Иффатли келин” ўқув маркази сўзининг луғавий маъносига эътибор қаратайлик. Иффатли эмас балки келажакда ҳамма келин-қизларимизга ибрат кўрсатадиган Ибратли келин деб





аташ лозим деб ўйлайман. Зеро, Абдулла Қодирий бобомиз айтганлариdek “Сўз сўзлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак”.

Замонавий она тили ўқитувчиси учун амалиётчи методист-педтехнолог бўлишнинг ўзи катта гап. Ноанаънавий дарс, интерфаол усуллар, таълимий ўйинлар замонавий дарс учун ниҳоятда муҳим элементлардандир. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакор жозибаси билан сингади. Она тилига муҳаббат юксак маънавият белгиси. Тил миллатнинг қалби, унинг дунёда мавжудлигининг асосий белгисидир. Ўзбек тили-ўзбек халқининг маънавий мулкидир. Она тили бу-миллатнинг руҳидир. (И.Каримов)

Токи тилимизни ҳеч қачон унутмайлик ва ҳар доим она тилимиз учун курашганларни ёд этайлик. Ҳар бир халқ, аввало, ўз тили, миллий урф-одат ва анъаналари, ўзига хос турмуш тарзи билан ажralиб туради. Ўзбек халқи асрлар давомида дунё сивилизациясида умумбашарий қадриятлар ривожида улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Бунда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони лугатит-турк” китоби, Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари, Маҳмуд Замахшарий ҳикматлари, Алишер Навоийнинг “Хамса”си, Бобур Мирзонинг “Бобурнома”си, Абдулла Қодирийнинг романлари, Чўлпон ва Абдулла Ориповнинг ўтли шеърияти, Абдурауф Фитратнинг тилшунослик ва адабиётшунослик бўйича қилган ишларига йўл очилмаган бўларди. Шунинг учун она тилимиз миллатимиз руҳининг тимсолига айланиб кетган. Она тили-қўҳна тарихимиз ҳаётбахш қадриятларимиз, дин-у диёнатимиз, халқимизга хос дунёқарашиб, ҳис-туйғулар эволюциясини, аждодлар меросини авлодларга етказадиган кўзгудир. Собиқ СССР даврида халқимизни ўзлигидан, тарихий хотирасидан жудо қилиш учун аввало тилимиз камситилгани бежиз эмас. Она тилини севиш-ватанпарварлик белгиси, аждодлар руҳига ҳурмат рамзи, ўз тилини асраб-авайлаган бўлади.

Она тили ҳар қандай шароитда ҳам инсон учун руҳий таянч бўлиб қолади. Айниқса миллий ўзликни англаш, “Ким эдим-у, ким бўлдим?” деган саволга жавоб топиш, хотира туйғуси билан яшашга она тилининг аҳамияти бекиёс. Она тили орқали аждодларимиз ёзиб қолдирган ўгитлари, қилган эзгу ишлари авлоддан авлодга ўтиб боради. Тил-халқнинг миллатнинг энг буюк қадриятларидан бири ҳисобланади.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганлариdek: Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ва Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилиш истагини билдирган ҳар бир шахс ўзбек тилини билиши шарт.

Шу ўринда марҳум шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг “Она тилим” шеъридан олинган парчани ёзишни жоиз деб билдим. Токи тилимизни ҳеч қачон унутмайлик ва ҳар доим она тилимиз учун курашганларни ёд этиб яшамоғимиз даркор.

Она тилим

Кимлар учун биз эдик бир бадавийлар,





Ўзбекни қон қақшатганни ўзбек сийлар.
Холимизни қон кузатди Яссавийлар,
Топганимиз ҳандалақдек тилим – тилим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.
Сен бўлмасанг нима бизга силлиқ шеърлар,
Бу дунёда тили йўқда, дил йўқ дерлар.
Баҳоинг-ку бериб кетган Алишерлар,
Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.
Бир қарасам ҳар шевангда минг жилолар,
Ҳар новдангда, ҳар мевангда минг жилолар.
Қодирийлар, Чўлпонлар-у Абдуллолар,
Сенинг қайтган кунинг менинг мавлуд йилим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.
Демак, биз тилимизни унутсак, миллатимизни унутган бўламиз.
Тил бор экан-миллат барҳаёт!

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. И.А. Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч, Маънавият 2008 йил
2. Н.М.Маҳмудов, Й.Р.Одилов, Г.Ш.Зиёдуллаев. 11-синф она тили дарслиги, 2018 йил
3. Б.Тўхлиев, Б.Каримов, К.Усмонова. 11-синф адабиёт дарслиги, 2018 йил
4. Р.Усмонов. Саодатнома танланган асарлар, 1995 йил. Nato'g'ri aniqlashtirish kerak

